



## ЎУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА АЙРИМ МУЛОЎАЗАЛАР

Хидиров Фурқат Шукруллаевич

ИИВ Малака ошириш институти

Касбий махсус фанлар кафедраси ўқитувчиси

<https://www.doi.org/10.37547/ejar-v03-i02-p4-137>

### ARTICLE INFO

Received: 13<sup>th</sup> February 2023

Accepted: 22<sup>th</sup> February 2023

Online: 23<sup>th</sup> February 2023

### KEY WORDS

Ўуқуқ-тартибот  
масканлари,  
Ўуқуқбузарликлар,  
профилактика, ички ишлар  
органлари.

### ABSTRACT

Ушбу мақолада маҳалла Ўуқуқ-тартибот масканларининг бугунги кундаги мақоми, бу борада Ўуқуқшунос олимлар фикр мулоҳазалари ҳақида сўз боради.

Бугунги кунда, ИИОлари таянч пунктлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-Ўуқуқий-Ўужжатлар асосида мазкур фикрга қўшилиш мумкин, аммо масканлар фаолияти айрим жиҳатлари билан таянч пунктлари фаолиятдан фарқланишини инобатга олиб, норматив Ўужжатда маскан таркибига киритилган ва киритилмаган субъектларнинг Ўуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича белгилаб берилган вазифалари ва Ўуқуқий мақомидан келиб чиқиб учта гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) маскан фаолиятини доимий равишда бошқариш ва мувофиқлаштириш ваколатига эга субъектлар (профилактика катта инспектори, профилактика инспектори);
- 2) масканга бириктирилган субъектлар фаолиятини назорат қилувчи субъектлар (туман-шаҳар хокими, ИИО раҳбари ва унинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари)
- 3) маскан фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда иштирок этувчи субъектлар (Миллий гвардия бўлинмалари ходимлари, давлат органлари ва ташкилотлари, маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси).

Биринчи гуруҳга профилактика катта инспектори ва профилактика инспекторини киритганимизнинг сабаби шуки, маскан фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва бошқаришда уларнинг роли беқийёсдир, яна шуни унутмаслигимиз лозимки, масканларнинг маҳаллада (қишлоқда) жамоат тартибини сақлаш, Ўуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни бевосита амалга ошириш асосий вазифаси бўлганлиги, ўз навбатида ИИОнинг вакили бўлган профилактика



инспекторлари зиммасига бу борадаги асосий вазифалар юклатилганлигининг ўзи ҳам асосий ваколатли субъект бўлиб намоён бўлишини тақазо этади.

Рус олим А.Г. Ермаков тўғри таъкидлаганидек, аҳоли турар жойларида кўп қиррали ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, хусусан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиёти айнан профилактика инспекторининг фаолиятидан бошланади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5938-сон Фармонида (18.02.2020 йил) ҳар маҳаллада унинг криминоген вазияти ва аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда камида бир нақардан профилактика инспектори хизмат олиб бориши белгилаб берилган ҳамда уларнинг бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатларини такрорловчи, ортиқча ва хос бўлмаган ўн учта функция ва вазифалари олиб ташланди<sup>2</sup>.

Ҳамда уларнинг ҳудуд билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб қилганлик учун жавобгарлик масалалари ҳам белгилаб қўйилганлиги ҳам айнан улар томонидан асосий эътибор маскан фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга қаратилиши лозимлигини кўрсатади.

Ҳозирда ўз кучини йўқотган ЎЗР ВМнинг “Жиноятчиликка қарши курашда Ички ишлар вазирлиги профилактика хизматининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги 247/41-сон (6.06.2001 й.) қарори талабларига кўра шаҳарда ҳар 2–2,5 минг, қишлоқ жойларида 5–5,5 минг киши яшайдиган маъмурий ҳудудга бир нафар профилактика инспектори бириктирилиши кўзда тутилган эди, аммо, бугунги кунда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланмаганлиги, бу масалани ҳам ечимини топиш заруратини келтириб чиқаради.

Шу сабабли, мазкур қарорлар ўртасидаги номувофиқликни бартараф этиш, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб қонун ҳужжатларида маъмурий ҳудуднинг хусусиятини инобатга олган ҳолда ҳар бир ПИ хизмат кўрсатиши керак бўлган аҳоли сонининг аниқ чегарасини белгилаб бериш мақсадга мувофиқдир.

ИИОнинг бевосита халқ билан ишлайдиган ва аҳоли орасида туриб хизмат олиб борадиган ходими бўлиб, фаолияти ўзига хос мураккаблиги билан бирга ва серқирра функционал табиатга эгаллиги билан ажралиб туради. Рус олими В.Н. Прокопенконинг профилактика фаолиятининг ИИОнинг ҳар қандай бошқа соҳавий хизмати фаолиятидан ажралиб турадиган муҳим жиҳати – унинг ИИО фаолиятининг барча йўналишларини қамраб олганлиги, комплекс ҳамда кўп функцияли эканлигида<sup>3</sup>, деган фикрлари ПИларининг бугунги фаолиятига берилган тўғри баҳо дейиш мумкин<sup>4</sup>.

---

1 Ермаков А.Г. Подготовка участковых уполномоченных полиции в вузе МВД России к профилактической работе с населением: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Санкт-Петербург, 2011. / [Эл. манба]. – URL: <http://www.dissercat.com/content> (мур. вақти: 14.05.2016).

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармони// URL: <http://www.lex.uz>.

3 Прокопенко В.Н. Правовые и организационные основы профилактической деятельности участковых уполномоченных милиции: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2002. // [Эл. манба]. –



Таъкидлаш лозимки, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятини ташкил этиш жараёнлари бутунлай янги вазифаларни бажаришни тақазо этмайди, балки таянч пунктлари томонидан амалга оширилган вазифаларга қўшимча равишда замонавий технологияларни қўллаган ҳолда кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилади.

Ислоҳотлар жараёнларига эътибор қаратадиган бўлсак ҳозирда ҳуқуқни муҳофаза қилиш, шу жумладан ички ишлар органлари соҳасидаги амалга оширилган ислоҳотларда асосий эътибор ҳуқуқбузарликлар профилактикасига қаратилмоқдаки, маскан фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда ҳам бу масалаларга эътибор қаратмаслик мумкин эмас.

Шу билан бирга масканлар фаолиятини ташкил этишда асосий субъект сифатида намоён бўладиган профилактика катта инспектори мақоми ўзгариб, уларнинг зиммасига янги вазифалар юклайди.

Юридик адабиётлар таҳлили ПИлари ҳуқуқий мақомининг бу тариқа ўзгариб бориши бошқа даврлар ва ҳудудларда ҳам кузатилганини кўрсатади<sup>5</sup>. Рус олими В.А. Джемелинский ҳуқуқий мақоми ва бугунги ҳолати ПИларига яқин бўлган полиция участка инспекторлари вазифалари кўламининг кўплигини биринчидан, ИИО раҳбарлари уларни маъмурий ҳудуд ва тезкор вазиятдан доимий хабардор ва юзага келган вазифаларни ҳал қилишда устунликка эга деб билиши; иккинчидан, ПИлари универсал ходим сифатида ҳар қандай кўринишдаги вазифани ҳал қила олади, деган анъанавий қарашнинг мавжудлиги билан асослайди<sup>6</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, ПИлари профилактика, яъни жиноятларнинг олдини олиш билан шуғулланмаяпти, аксинча, содир бўлган жиноятларни рўйхатга олиш, юқори идораларга ҳисобот ёзиш билан банд бўлиб қолмоқда<sup>7</sup>. Шу сабабли ҳам, Давлат Раҳбарининг ташаббуси билан ИИО тизимида олиб борилган ислоҳотлар давомида ТП ПИларини хизмат ҳудуди билан боғлиқ бўлмаган, вазифаларига кирмайдиган ишларга жалб қилинмаслигини таъминлаш бўйича ҳам тегишли қарорлар билан бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ЎЗР Президентининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-3528-сон (14.02.2018 й.) қарорига мувофиқ, хизмат ўташ вақтида агарда бириктирилган ҳудудда тезкор-

---

URL: <http://dissercat.com/content/pravovye-i-organizatsionnye-osnovy-profilakticheskoi-deyatelnosti-uchastkovykh-polnomochenn> (мур. вақти: 20.05.2016).

<sup>4</sup> Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 25.

<sup>5</sup> Совершенствование деятельности участкового инспектора милиции в современных условиях. – Тюмень, 1991. – С. 14.

<sup>6</sup> Джемелинский В.А. Актуальные вопросы совершенствования планирования в деятельности участкового уполномоченного полиции // Общество и право. – 2015. – № 2. – С. 240.

<sup>7</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. – 2016. – 8 дек.



профилактик хизмат кўрсатилмай қолишига олиб келадиган бўлса, Пиларнинг худудни ташлаб кетишга рухсат берилмайди<sup>8</sup>.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда профилактика катта инспекторига маскан фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш раҳбарлик ваколати берилган, шу билан бирга профилактика катта инспектори йўқлигида унинг ваколатлари профилактика инспектори томонидан амалга оширилади деб белгиланган бўлсада бошқа ҳолатларда тўғридан-тўғри вазифалари кўрсатилмаган.

Профилактика катта инспектори Масканнинг бевосита раҳбари ҳисобланади ва унинг зиммасига маҳаллада (қишлоқда) жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича кунлик ишни самарали ташкил этиш масъулияти юкланади.

Маскан раҳбари:

Маскан фаолиятига юклатилган вазифаларнинг лозим даражада бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади;

Масканда фаолият кўрсатадиган ходимларга юклатилган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилади, худудда патруль йўналишларини белгилайди ва патруллик хизматини ташкил этади;

худудда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига кўмаклашиш учун юборилган Миллий гвардия бўлинмаси, бошқа ваколатли давлат органларининг ходимлари ва жамоат тузилмалари вакилларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

Масканнинг иш режаларини тасдиқлайди;

вазифаларини сидқидилдан бажариб келаётган профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчисига ички ишлар органларида хизматга белгиланган тартибда қабул қилиш учун тавсиявий тақдимнома киритади;

Масканда самарали фаолият кўрсатадиган ходимларни рағбатлантириш тўғрисида худудий ички ишлар органи раҳбарига тўғридан-тўғри таклиф киритади;

Маскан ваколатига қирадиган бошқа вазифаларни амалга оширади<sup>9</sup>.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда таъкидлаш лозимки, масканда раҳбарликни амалга оширувчи профилактика катта инспектори ва профилактика инспекторининг касбий билим ва кўникмаларини шакллантириш орқали фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

2019 йилнинг 14 август куни 9 ой ва йил якуни бўйича ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда Президентимиз **“Энг катта хавф - кадрлар савияси, билими, илми ва фидойилигида. Минг афсуски, энг оғир масала шу”**<sup>10</sup> деган

---

<sup>8</sup> *Зиёдуллаев М.З.* Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 11.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “ИИОларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли Қарори//URL: <http://www.lex.uz>.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий риволантириш бўйича 2019 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар



фикрлари бугунги мавзунинг жуда ҳам долзарб масалага бағишланганлигини яққол исботидир.

Бугунги кунда таянч пунктлари ва маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларида хизмат олиб бораётган **10 149 нафар** профилактика инспекторларининг 14,6 фоизи олий ҳуқуқшунос, 49,3 фоизи педагог, 36,1 фоизи бошқа олий маълумотга эга бўлган ходимлар ташкил этади<sup>11</sup>.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев алоҳида эътибор қаратиб, мамлакатимизда юридик маълумотга эга бўлган кадрларни тайёрлашнинг аниқ йўналишлари белгилаб бераётгани ушбу муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқ соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларини амалий жиҳатдан жорий этиш, ўқитишнинг илғор услубларидан кенг фойдаланиш, шунингдек замонавий талабларни инобатга олган ҳолда таълим стандартларини модернизациялаш ва ўқув дастурларини қайта кўриб чиқишга етарли эътибор берилмаётганлиги, бу эса юридик таълим сифати ва илмий салоҳиятнинг пасайишига олиб келаётганлиги жиҳатидан ёндашадиган бўлсак, бугун биз “Ҳар томонлама билимли, юқори малакали, халқаро стандартларга жавоб берадиган, ўз касбининг ҳақиқий фидойиси бўлган ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ишларини такомиллаштиришимиз керак”<sup>12</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелда қабул қилинган “**Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги ПФ-5987-сонли Фармони<sup>13</sup> асосида Самарқанд, Наманган ва Термиз давлат университетларида юридик факультетлар ташкил этилиши белгиланди.

Шундай экан, қилинган ишлар билан бир қаторда юриспруденция соҳасида ўз ечимини кутаётган баъзи масалалар мавжуд.

Хусусан, **биринчидан:**

- юридик кадрлар тайёрлашдаги муаммолар;
- юридик кадрларни тайёрлаш соҳасида рақобатнинг мавжуд эмаслиги;
- юриспруденция йўналишида узлуксиз таълим тизимини узвийлиги ва давомийлиги, бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини йўлга қўйиш, юридик соҳада ўрта махсус, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, малака ошириш ва қайта тайёрлашга қўйиладиган талаблар;
- олий маълумот бераётган таълим муассасаларининг илмий салоҳиятига нисбатан минимал талаблар (*айрим таълим муассасаларида илмий салоҳиятли кадрлар етишмаслиги, илмий даражали кадрларнинг ёши ўтиб бораётганлиги*);

---

муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилишдаги нутқи, 14.08.2019 й.  
<https://uza.uz/oz/politics/>

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг 2022 йил 5 ойи давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида таҳлилий маълумоти-2022 йил.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси, 22.12.2017 й. <https://uza.uz/oz/documents/>

<sup>13</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон



- давлат томонидан юриспруденция йўналишидаги таълим тизимини ривожлантириш бўйича кўзланган стратегик мақсадлар, принциплар, тенденциялар ва вазифалар, асосий йўналишларни белгилаб берувчи концепциянинг мавжуд эмаслиги.

**Иккинчидан**, 10 га яқин олий таълим муассасасида юриспруденция йўналишида таълим берилаётган бўлса-да, улар ўқув режаларининг “Гуманитар ва табиий-илмий фанлар” ҳамда “Умумкасбий фанлар” блоки турлича эканлиги. Зеро, бу борада муҳтарам Президентимиз жорий йилда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилиши, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилиши ҳамда мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қисқартирилиши<sup>14</sup> тўғрисида топшириқ берган эди.

Бундан ташқари, бакалаврият юридик таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатларга нисбатан минимал ҳажм белгилаб қўйилмаганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз<sup>15</sup>.

Бугунги кунда соҳани юридик маълумотга эга бўлган профилактика инспекторлари билан таъминлаш борасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармонида профилактика инспекторлари лавозимларини юридик маълумотга эга бўлган ходимлар билан қамраб олиниши бўйича қўйидаги тартиблар белгилаб берилди:

2024 йил 1 сентябрдан эътиборан Тошкент шаҳар ички ишлар органлари, 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб қолган ҳудудий ички ишлар органлари профилактика катта инспектори лавозимларига фақат олий юридик маълумотга эга бўлган ходимлар тайинланади;

профилактика инспекторлари учун Ички ишлар вазирлиги Академияси сиртқи таълимига қабул қилинадиган ходимлар умумий сонининг камида йигирма беш фоизи миқдорида қабул квотаси ажратилади;

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, фаолиятида юқори натижаларга эришган Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар органларидан иккитадан, қолган ҳудудий ички ишлар органларидан биттадан профилактика инспектори Департамент бошлиғи тақдимномасига асосан Ички ишлар вазирлиги Академиясининг сиртқи таълимига имтиҳонларсиз қабул қилинади ҳамда бепул ўқитилади<sup>16</sup>.

---

14 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси, 24.01.2020 й. <https://uza.uz/oz/politics/>

<sup>15</sup> Рустамбаев М.Х. Юридик кадрларни тайёрлаш тизими: муаммо ва ечимлар// Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. I жилд / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиков. –Т.: “Lesson press”. 2020. – 450 б.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони// URL: <http://www.lex.uz>.



Юқоридагилардан келиб чиқиб, профилактика катта инспекторининг маскан фаолиятини ташкил этишдаги вазифаларини ва уни амалга ошириш механизмларини, шу жумладан профилактика инектори ва бошқа соҳавий хизмат ходимларининг бу борадаги вазифаларини белгилаб берувчи идоравий-норматив ҳуқуқий ҳужжат (буйруқ) ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, бундан ташқари маскан таркибига киритилган Миллий гвардия бўлинмаси, бошқа ваколатли давлат органларининг ходимлари ва жамоат тузилмаларининг вакилларининг маскан фаолиятини ташкил этишдаги вазифалари ва мажбуриятларини белгилаб берувчи Вазирлар Маҳкамасининг қарорини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш лозимки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда масканнинг асосий вазифалари ва функциялари белгилаб берилган бўлсада, ташкил этишнинг асосий йўналишлари аниқлаштирилмаган. Шу боисдан, маскан фаолиятини ташкил этишнинг асосий йўналишларини қуйидагича белгилаб бериш лозим:

- 1) аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва уларга ҳуқуқий масалаларда ёрдам кўрсатишни ташкил этиш йўналиши;
- 2) ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўналиши;
- 3) маъмурий-юрисдикциявий фаолиятни ташкил этиш йўналиши.

*Биринчи йўналиш*, бугунги кунда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини, қонунларга ҳурмат ва итоат қилиш руҳини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, Конституция ва қонунларга ҳурмат ва итоат билан қарашни тарбиялашда кўп нарса, аввало, давлат органлари, хусусан ИИОда ишлайдиган хизматчиларга боғлиқ<sup>17</sup>. Қолаверса, маъмурий ҳудудда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш муайян даражада ҳуқуқбузарликлар профилактикасига хизмат қилади. Шу сабабли ҳам, ЎзРнинг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (14.05.2014 й.) қонунида аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг чора-тадбири сифатида аниқ белгилаб қўйилган. Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва тарбиясини такомиллаштириш мақсадида, ЎзР Олий Мажлисининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»ги 466-І-сон (29.08.1997 й.) қарори қабул қилинган бўлиб<sup>18</sup>, аҳолининг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш асосий вазифаларидан бири бўлган ТПлари фаолиятида ушбу Қарор алоҳида аҳамиятга эга<sup>19</sup>. Зеро, ҳуқуқий маданият қонунчилик, фуқаролар ҳуқуқий

---

17 Каримов И.А. Хавсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б. 146.

18 ЎзР Олий Мажлисининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»ги

466-Ісон (29.08.1997 й.) қарори // ЎзР Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 9. – 227-м.

19 Соатов М.З. Милиция таянч пунктларининг аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш билан боғлиқ фаолияти ва унинг ҳуқуқий асослари // Ҳозирги замон ҳуқуқшунослик илмини эгаллаш йўлида. – Т., 2004. – Б. 209.



кафолатини таъминлаш баробарида давлат аҳамиятига молик сиёсат бўлиб<sup>20</sup>, жамиятда фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг даражаси жиноятчилик ҳолатига асосий таъсир кўрсатувчи омиллардандир. Қолаверса, ПИнинг фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги ишларининг натижалари улар хизмат фаолиятини баҳолашда муҳим мезонлардан бири ҳисобланади<sup>21</sup>.

Шунингдек, аҳолига ҳуқуқий масалаларда ёрдам кўрсатиш жараёнида профилактика инспектори турли масалаларда мурожаат қилиб келган жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларининг мурожаатларини кўриб чиқиши, уларга маслаҳатлар бериши, тушунтириши ёки ҳуқуқий масалалар билан боғлиқ муаммоларини ҳал этишларида ёрдам кўрсатиши билан амалга оширилади.

Жумладан, 2022 йилнинг 5 оyi давомида профилактика инспекторлари томонидан хизмат кўрсатиш ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаролар билан 1380 та учрашувлар ўтказилган, маҳалла фуқаролар йиғинларида эса 9873 та ҳисобот учрашувлари ўтказилган<sup>22</sup>. Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг бошқа шакллари, хусусан, 1095459 та тарғибот материаллари, уларнинг 1093 840 та буклетлар тайёрланиб фуқароларга тарқатилган, 1619 та плакатлар эса аҳоли гавжум жойларга жойлаштирилган.

Таъкидлаш лозимки аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва уларга ҳуқуқий масалаларда ёрдам кўрсатиш йўналишидаги чора-тадбирлар асосан ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси доирасида амалга оширилади. Аммо, уни қандай шакл ва усулларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ эканлигини аниқлаш ва энг самарали шаклдан фойдаланиш тавсия этилади.

Аксарият криминологик адабиётларда жиноятларнинг олдини олиш шакллари тилга олинган бўлса-да, уларнинг мазмунига ойдинлик киритилмаган. Жиноятларнинг профилактикаси бўйича аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғиботнинг оғзаки, ёзма, электрон ва кўргазмали шакллари кўрсатиб ўтишган. Айрим дарсликларда ушбу шакллар нафақат, ҳуқуқий тарғиботнинг, балки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларининг ҳам шакли сифатида келтирилган<sup>23</sup>.

Ҳуқуқшунос олим С.Б.Хўжакулов: “Шу боисдан, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг мақсади, функциялари, вазифалари, ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари, шунингдек ушбу соҳада олиб борилаётган ислохотлар ва ахборот-коммуникацион технологияларнинг ривожланишини инобатга олиб, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси шакллари: *ёзма, оғзаки, кўргазмали,*

<sup>20</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т.6. – Т., 1998. – Б. 279.

<sup>21</sup> Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 45.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг 2022 йил 5 оyi давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида таҳлилий маълумоти-2022 йил.

<sup>23</sup> Ички ишлар органлари профилактика хизматининг фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З.Зиёдуллаев, Ж.С.Мухторов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икромов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 743.





электрон, назорат, қўриқлаш, қутқарув, белгили, СМС хабар, аралаш шакллари тариқасида шакллантириш тавсия этилади (ушбу тизим анкета сўровида иштирок этган респондентларнинг 67 фоизи томонидан маъқулланган). Бироқ мазкур шакллари фақат ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасига тааллуқли деб ҳисоблаб бўлмайди. Уларнинг айримларидан профилактиканинг бошқа турларида ҳам фойдаланиш мумкин”<sup>24</sup>, - деб таъкидлаб ўтган.

Ҳуқуқшунос С.Б.Хўжақулов томонидан ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг шакл ва усулларини қўллаш ҳақида фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтган. Аммо, биз масканнинг аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва уларга ҳуқуқий масалаларда ёрдам кўрсатиш йўналишида асосий эътибор масканда фаолият юритувчи субъектлар, хусусан профилактика инспекторининг фуқаролар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, уларнинг ишончини қозониш ҳамда ҳар томонлама кўмаклашини назарда тутишини инobatга олишимиз лозим.

Шу боисдан, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва уларга ҳуқуқий масалаларда ёрдам кўрсатишни ташкил этиш йўналишида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот чора-тадбиридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бунда масканда аҳоли билан учрашув, маъруза, давра суҳбати, конференция, семинар кабиларни ташкил этиш, уларга ҳуқуқий адабиётлар тақдим этиш, маслаҳатлар бериш муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи йўналиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги (14.05.2014 йил) қонуни асосида ташкил этилади.

Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қуйидаги турлари белгиланган:  
ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;  
ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;  
ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси;  
ҳуқуқбузарликларнинг виқтимологик профилактикаси<sup>25</sup>.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларининг алоҳида чора-тадбирлари мавжуд бўлиб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, объектларидан келиб чиқиб қўллашда турли шакл ва усуллардан фойдаланилади.

Шу ўринда ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси объектлари ҳақида ҳуқуқшунос олим С.Б.Хўжақулов: “Илмий-назарий адабиётларда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси объекти бўйича ҳам аниқ назарий-ҳуқуқий ёндашувнинг мавжуд эмаслиги кузатилади.

Баъзи адабиётларда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси объекти сифатида шахсда ғайриижтимоий хулқ-атвор шакллантирувчи воқеа ва жараёнлар,

<sup>24</sup> Хўжақулов С. Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомил-лаштириш: Монография / Масъул муҳаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. - 186 б.

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.



ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари ҳамда криминоген вазиятлар тушунилиши эътироф этилади<sup>26</sup>.

Кўриниб турибдики, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси объекти бўйича тор ва кенг маънодаги қарашлар мавжуд. Бу борада яқдил фикрнинг мавжуд эмаслиги назарияда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилувчи қоидаларнинг шаклланишига, амалиётда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини аниқ манзилли ташкил этилишига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади<sup>27</sup>, - деб ўз фикрини билдирган.

И.Ю. Фазиловнинг таъкидлашича, «профилактик чора-тадбирлар амалга ошириладиган шахслар доираси одам савдоси профилактикасининг турларига боғлиқ: одам савдосининг умумий профилактикаси — аҳолига нисбатан; махсус ва яқка тартибдаги профилактикаси — одам савдосини содир этган (содир этишга мойил бўлган) шахсларга нисбатан; виктимологик профилактикаси — одам савдосидан жабрланиш эҳтимоли (хавфи) юқори бўлган шахсларга нисбатан амалга оширилади»<sup>28</sup>.

И.Исмаилов ва Қ.А.Саитқуловларнинг фикрларига кўра, виктимологик профилактик чора-тадбирлар: а) ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли мавжуд бўлган; б) ғайриижтимоий хулқ-атворли; в) ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган; г) ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан амалга оширилади<sup>29</sup>.

Юқоридаги фикрларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси объекти фақат шахслар билан чекланган бўлиб, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, давлат органлари, алоҳида тоифаланган бино ва иншоотлар, аҳоли хонадонлари ва кўчмас мулкни қўриқлаш масалалари эътибордан четда қолган<sup>30</sup>.

Демак, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўналишидаги ишларни ташкил этишда объектларни қуйидаги турларга ажратган ҳолда ишларни ташкил этиш лозим:

- 1) *ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси объекти* - кенг жамоатчилик (*меҳнат жамоаси, вояга етмаганлар ва ёшлар жамоаси, маҳалла аҳолиси ва бошқ.*).
- 2) *ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактиканинг объекти* - айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар, айрим тоифадаги ҳуқуқбузар шахслар, жамоат хавфсизлиги ва

<sup>26</sup>Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология (Умумий қисм): Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1996. –Б. 175–176; Хамидов Д.Х. Криминологическая характеристика тяжких насильственных преступлений против личности и их предупреждение (умышленное убийство, умышленное тяжкое телесное повреждение, изнасилование). Диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Т., 2009. – С. 120.

<sup>27</sup> Хўжақулов С. Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомил-лаштириш: Монография / Масъул муҳаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. - 55 б.

<sup>28</sup> Фазилов И.Ю. Одам савдосига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: Монография. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. — Б. 181.

<sup>29</sup> Исмаилов И., Саитқулов Қ.А. Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари // Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари: Республика илмий-амалий конференция материаллари (2015 йил 12 март). — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 56.

<sup>30</sup> Хўжақулов С. Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомил-лаштириш: Монография / Масъул муҳаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. - 54 б.



жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидлар.

3) *ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактиканинг объекти* – илгари судланган шахслар, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар, маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга шахслар, гиёҳвандлик, сурункали ичкиликбозлик ва заҳарвандликка мубтало бўлган шахслар ва бошқалар.

4) *ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактиканинг объекти* – ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли бўлган шахслар (вояга етмаганлар, аёллар, ёлғиз яшовчи қариялар, ногиронлар ва бошқ.), ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар.

*Учинчи йўналиш*, маъмурий-юрисдикциявий фаолиятни ташкил этишда ассий эътибор маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли чораларни қўллаш, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўришга қаратилади.

Аввало, бу йўналишдаги ишларни ташкил этишда маъмурий юрисдикциявий фаолиятни аниқлаштириш ва алоҳида вазифаларни белгилаб олиш муҳимдир.

*Маъмурий юрисдикциявий жараён* – ижро этувчи ҳокимият органларининг турли субъектлар ўртасидаги низоларни ҳал этиш, шунингдек, маъмурий-процессуал шаклда амалга ошириладиган маъмурий ва интизомий мажбурлов чораларини қўллашга қаратилган фаолият<sup>31</sup>.

«Маъмурий жараён» ва «маъмурий-процессуал фаолият» бир-бирига яқин ва боғлиқ тушунчалардир. Бироқ ҳар қандай маъмурий жараён фаолияти маъмурий-процессуал фаолият ҳисобланмайди.

Ю.М.Козловнинг фикрича, маъмурий-процессуал фаолият тушунчасига икки хил ёндашиш мумкин: маъмурий жараён (кенг маънода) – бутун давлат бошқаруви фаолиятини ўз ичига олади; маъмурий жараён (тор маънода) – моддий нормалар санкцияларини қўллаш бўйича фаолиятни ўз ичига олади. Шу билан бирга, олим маъмурий-процессуал фаолиятни унинг юқоридаги кўринишларидан келиб чиққан ҳолда иккига бўлади: яъни

1) *маъмурий иш юритиш* (унинг мазмунини ижро этувчи ҳокимият органлари (мансабдор шахслари) томонидан маъмурий ҳуқуқ нормаларида белгиланган иш юритиш бўйича фармойиш бериш ҳаракатларини амалга ошириш ташкил этади);

2) *маъмурий юрисдикциявий фаолият* (унинг мазмунини ижро этувчи ҳокимият органлари (мансабдор шахслари) томонидан юрисдикциявий ҳаракатларни амалга ошириш тартибида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларини бажариш ташкил этади)<sup>32</sup>.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда фикримизча Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг маъмурий-юрисдикциявий фаолияти бевосита профилактика

<sup>31</sup> Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Н. Т. Исмоилов, Ў. Х. Мухамедов, А. С. Турсунов ва бошқ.; И. А. Хамедов ва Ў.Х.Мухмедов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 381 б.

<sup>32</sup> Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Н. Т. Исмоилов, Ў. Х. Мухамедов, А. С. Турсунов ва бошқ.; И. А. Хамедов ва Ў.Х.Мухмедов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 381 б.



инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти билан чамбарчас боғлигини инобатга олиб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда уларга берилган ваколатлар доирасида ишларни ташкил этиш лозим.

Маъмурий-юрисдикциявий жараён маъмурий-процессуал фаолиятнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги нормаларни амалга оширишнинг процессуал шакли ҳисобланади<sup>33</sup>. Ҳуқуқшунос олим А.Д. Майле ҳуқуқий давлатда ИИО (полиция)нинг фаолияти иккиёқлама, яъни бошқарув ва юрисдикциявий хусусиятга эгаллигини ҳисобга олиб, маъмурий юрисдикциянинг махсус субъекти сифатида ҳуқуқий мақомга эгаллигини таъкидлайди<sup>34</sup>. ЎЗР МЖТКнинг 22-моддасига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишга ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар маъмурий жазони қўллаш орқали маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ҳуқуқбузар ёки бошқа шахслар томонидан янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадини кўзлайди. Пилари ҳам ўз ваколатлари доирасида шундай мақсаддаги маъмурий юрисдикциявий ҳаракатларни амалга оширади<sup>35</sup>.

Ҳуқуқшунос олим М.З.Зиёдуллаев таянч пунктларининг маъмурий-процессуал фаолияти юзасидан қуйидаги фикрларни билдириб ўтган: *“ИИО ТПларининг маъмурий-процессуал фаолияти мақсадига кўра ҳуқуқбузарликлар профилактикасига яқин бўлса-да, мазмун-моҳияти, ўзига хос жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туради. Маҳаллаларда ТПларининг фаолияти йўлга қўйилгани шахсларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан уларга зудлик билан мурожаат қилиш имконини берди<sup>36</sup>. ИИОга жисмоний ва юридик шахслардан бўладиган мурожаатларни мазмуни ва кўриб чиқиш тартибига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:*

1) кўриб чиқиш тартиби ЎЗРнинг *“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”*ги қонуни билан белгиланган мурожаатлар; 2) маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий-процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатлар<sup>37</sup>.

33 Шергин А.П. Административно-юрисдикционный процесс как вид юридического процесса // Вестник Университета имени О.Е. Кутафина. – 2015. – № 8. – С. 141.

34 Майле А.Д. Административно-юрисдикционная деятельность полиции (сравнительно-правовой анализ) // Вестник Омской юридической академии. – 2017. – № 4. – С. 122.

35 Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 11.

36 Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш ва қайд этишнинг ўзига хос жиҳатлари // Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2015 йил 21 ноябрь). – Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2016. – Б. 41.

37 Ички ишлар органларида мурожаатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш, қайд этиш ва ҳал этиш тартиби: Ўқув-амалий қўлланма / Ш.Т. Икрамов, М.З. Зиёдуллаев, И.А. Соттиев. – Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2015. – Б. 5.



Жисмоний ва юридик шахсларнинг ТПларига МЖтК доирасидаги мурожаатлари маъмурий-процессуал фаолият асосида тегишли маъмурий ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилишини талаб қилади. Юридик манбаларда маъмурий-ҳуқуқий чоралар ишонтириш ва маъмурий мажбурлаш чораларига; ўз навбатида, маъмурий мажбурлаш чоралари маъмурий олдини олиш, маъмурий чеклаш ва маъмурий жазо чораларига ажратилади<sup>38</sup>. ТП субъектлари ўз хизмат фаолиятида ҳужжатларни текшириш, маъмурий назорат, транспорт воситалари ва йўловчилар ҳаракатланишини тақиқлаш (чеклаш), шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш, ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш каби маъмурий олдини олиш чоралари; маъмурий йўл билан ушлаб туриш, транспорт воситасини ушлаб туриш, уни бошқаришдан четлатиш, жисмоний куч, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш каби маъмурий чеклаш чоралари; жарима маъмурий жазосини қўллади<sup>39</sup>.

Дарҳақиқат, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ҳам ички ишлар органларининг алоҳида тузилмаси бўлиб, фаолиятида фуқароларнинг турли мазмундаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги мурожаатларини қабул қилади ва кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги (ЎРҚ-720-сон) ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Қонуни<sup>40</sup> (ЎРҚ-721-сон) қабул қилинди ва ушбу қонунлар билан профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ваколати 14 та моддадан 24 тага кўпайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 248-моддаси иккинчи хатбоши 4-бандига кўра профилактика инспекторлари Кодекснинг 47-моддаси биринчи қисмида, 47<sup>3</sup>, 54, 56<sup>1</sup>-моддаларида, 110-моддасининг биринчи қисмида (фуқароларга нисбатан), 111-моддасининг биринчи қисмида, 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида, 114, 122, 123-моддаларида, 127-моддасида (товуш сигналини сабабсиз беришга доир қисмида), 128<sup>6</sup>-моддасида, 147-моддасининг биринчи қисмида (автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазиш, уларда сунъий нотекистиклар ва тўсиқлар яратганлик, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаганлик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузганлик учун), 148-моддасида (ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёққанлик, тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун), 161-моддасида (фуқароларга нисбатан), 187-моддасининг биринчи қисмида, 188, 188<sup>2</sup>, 192, 221-моддаларида, 223-моддасининг биринчи қисмида, 223<sup>1</sup>, 223<sup>3</sup>-моддаларида, 224-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун —

38 Алимов Х.Р., Махмудов А.А., Истоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Масъул муҳар. проф. У. Таджиханов. – Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2002. – Б. 89.

39 Бахрамов Х.Х. Ички ишлар идоралари томонидан маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш асослари ва тартиби: Ўқув қўлланма. – Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2014. – Б. 33.

<sup>40</sup> URL: <http://www.lex.uz>.



ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторлари кўриб чиқади<sup>41</sup>.

Демак масканнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини профилактика инспекторлари ташкил этади ва амалга оширади. Шу жумладан, бу жараёнда масканда фаолият юритувчи бошқа субъектлар ҳам иштирок этишлари мумкин. Жумладан, Миллий гвардия органлари ёки ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизмати ходимлари маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаганда уларни ушлаб масканга олиб келиши ва профилактика инспекторига тақдим этиш, ушбу ҳуқуқбузарлик юзасидан гувоҳлардан тушунтириш хатлари олиши мумкин. Бошқа давлат органлари ёки жамоатчилик вакиллари эса маъмурий ҳуқуқбузарликлар ёки уларга олиб келаётган сабаблар ҳақида профилактика инспекторига зарурий ахборотларни етказиб беришда иштирок этади.

Таъкидлаш лозимки, масканда маъмурий юрисдикциявий йўналишдаги ишларни ташкил этишда фақатгина маъмурий ҳуқуқбузар шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш билан чегараланиб қолмаслик керак. Балки, кўпроқ маъмурий ҳуқуқбузарликларга олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга йўналтирилган чораларни кўриш лозим.

Масалан, МЖТКнинг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома (313-модда) киритиш ваколатини берувчи моддасига асосан Маскан хизмат кўрсатадиган ҳудудда шундай ҳолатлар аниқланганда профилактика инспектори тақдимнома киритиши мумкин.

Жумладан, Кодекснинг ушбу моддасида қуйидагича тартиб белгиланган “Ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаганда бу сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан чоралар кўриш тўғрисидаги тақдимномани тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига киритади. Раҳбар тақдим келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида уни киритган органга (мансабдор шахсга) кўрилган чоралар ҳақида маълум қилиши шарт”<sup>42</sup>.

Бироқ, Э.Норбўтаев таъкидлаганидек, олимларнинг фикрлари, амалиётни ўрганиш натижалари асосида уни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар<sup>43</sup> ишлаб чиқиш ва З.М.Охунов ва Ш.Х.Қушбоқовлар ҳам бу борада қуйидагича фикрлайди уларнинг фикрича, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омиллар, сабаб-шароитларини бартараф этишда ички ишлар органлари иштироки илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш зарур<sup>44</sup> бу борадаги амалиёт таҳлили ушбу соҳада муайян камчиликлар мавжудлигини кўрсатади. Хусусан, жойларда аксарият ҳолларда ИИОлари томонидан ваколати доирасида кўриб чиқилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.

<sup>43</sup> Норбўтаев Э. Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг айрим масалалари // Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 69-77.

<sup>44</sup> Охунов З., Қушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар // Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.



шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш юзасидан тегишли орган, корхона, муассаса, ташкилот ва жамоатчилик тузилмаларига тақдимномалар киритилмай қолмоқда. Чунончи, республикамизда 2012– 2017 йилларда жами 3 млндан ортиқ ПИлари ўз ваколати доирасига кирувчи моддалар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган бўлишига қарамай, ушбу йиллар давомида уларнинг атиги 0,8 % бўйича ЎзР МЖТКнинг

313-моддасига асосан тегишли орган, корхона, муассаса, ташкилот ва жамоатчилик тузилмаларига тақдимномалар киритилган<sup>45</sup>.

Ваҳоланки, Кодекснинг 19-моддасида ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва ички ишлар органларининг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик учун жавобгарлик белгилаб қўйилган бўлсада профилактика инспекторлари томонидан ушбу модда бўйича маъмурий процессуал ҳужжатлар расмийлаштирилиб судларга юборилмаганлиги аниқланди.

Шу боисдан, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида амалга оширилган маъмурий-юрисдикциявий фаолият таҳлиliga алоҳида эътибор қаратиш, бу борада профилактика инспекторларининг маъсулиятини ошириш, ушбу йўналишдаги ишларни белгилаб берувчи ИИВнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатини ишлаб чиқиш ва республика бўйича ягона иш юритувини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ва унинг таркибига киритилган субъектлар фаолиятини ягона механизмини ишлаб чиқиш, масканларнинг йўналишларда ишни ташкил этиш жараёнларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

## References:

1. *Ермаков А.Г.* Подготовка участковых уполномоченных полиции в вузе МВД России к профилактической работе с населением: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Санкт-Петербург, 2011. / [Эл. манба]. – URL: <http://www.dissercat.com/content> (мур. вақти: 14.05.2016).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармони// URL: <http://www.lex.uz>.
3. *Прокopenko В.Н.* Правовые и организационные основы профилактической деятельности участковых уполномоченных милиции: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук.

<sup>45</sup> *Зиёдуллаев М.З.* Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 78.



- М., 2002. // [Эл. манба]. – URL: <http://dissercat.com/content/pravovye-i-organizatsionnye-osnovy-profilakticheskoi-deyatelnosti-uchastkovykh-polnomochenn> (мур. вақти: 20.05.2016).
4. Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 25.
5. Совершенствование деятельности участкового инспектора милиции в современных условиях. – Тюмень, 1991. – С. 14.
6. *Джемелинский В.А.* Актуальные вопросы совершенствования планирования в деятельности участкового уполномоченного полиции // Общество и право. – 2015. – № 2. – С. 240.
7. *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. – 2016. – 8 дек.
8. *Зиёдуллаев М.З.* Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 11.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “ИИОларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли Қарори//URL: <http://www.lex.uz>.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий риволантириш бўйича 2019 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилишдаги нутқи, 14.08.2019 й. <https://uza.uz/oz/politics/>
11. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг 2022 йил 5 оyi давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида таҳлилий маълумоти-2022 йил.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси, 22.12.2017 й. <https://uza.uz/oz/documents/>
13. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси, 24.01.2020 й. <https://uza.uz/oz/politics/>
15. Рустамбаев М.Х. Юридик кадрларни тайёрлаш тизими: муаммо ва ечимлар// Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. I жилд / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. –Т.: “Lesson press”. 2020. – 450 б.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони// URL: <http://www.lex.uz>.
17. *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б. 146.
18. ЎзР Олий Мажлисининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»ги





466-Исон (29.08.1997 й.) қарори // ЎзР Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 9. – 227-м.

19. *Соатов М.З.* Милиция таянч пунктларининг аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш билан боқлиқ фаолияти ва унинг ҳуқуқий асослари // Ҳозирги замон ҳуқуқшунослик илмини эгаллаш йўлида. – Т., 2004. – Б. 209.

20. *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т.б. – Т., 1998. – Б. 279.

21. *Зиёдуллаев М.З.* Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 45.

22. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг 2022 йил 5 оyi давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида таҳлилий маълумоти-2022 йил.

23. Ички ишлар органлари профилактика хизматининг фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З.Зиёдуллаев, Ж.С.Мухторов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 743.

24. Хўжакулов С. Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомил-лаштириш: Монография / Масъул муҳаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. - 186 б.

25. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

26. Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология (Умумий қисм): Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1996. –Б. 175–176; Хамидов Д.Х. Криминологическая характеристика тяжких насильственных преступлений против личности и их предупреждение (умышленное убийство, умышленное тяжкое телесное повреждение, изнасилование). Диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Т., 2009. – С. 120.

27. Хўжакулов С. Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомил-лаштириш: Монография / Масъул муҳаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. - 55 б.

28. Фазилов И.Ю. Одам савдосига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: Монография. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. — Б. 181.

29. Исмаилов И., Саиткулов Қ.А. Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари // Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари: Республика илмий-амалий конференция материаллари (2015 йил 12 март). — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 56.

30. Хўжакулов С. Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомил-лаштириш: Монография / Масъул муҳаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. - 54 б.

31. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Н. Т. Исмоилов, Ў. Х. Мухамедов, А. С. Турсунов ва бошқ.; И. А. Хамедов ва Ў.Х.Мухмедов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 381 б.



32. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Н. Т. Исмоилов, Ў. Х. Мухамедов, А. С. Турсунов ва бошқ.; И. А. Хамедов ва Ў.Х.Мухмедов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 381 б.
33. <sup>1</sup> Шергин А.П. Административно-юрисдикционный процесс как вид юридического процесса // Вестник Университета имени О.Е. Кутафина. – 2015. – № 8. – С. 141.
34. Майле А.Д. Административно-юрисдикционная деятельность полиции (сравнительно-правовой анализ) // Вестник Омской юридической академии. – 2017. – № 4. – С. 122.
35. Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 11.
36. Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш ва қайд этишнинг ўзига хос жиҳатлари // Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2015 йил 21 ноябрь). – Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2016. – Б. 41.
37. Ички ишлар органларида мурожаатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш, қайд этиш ва ҳал этиш тартиби: Ўқув-амалий қўлланма / Ш.Т. Икромов, М.З. Зиёдуллаев, И.А. Соттиев. – Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2015. – Б. 5.
38. Алимов Х.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Масъул муҳар. проф. У. Таджиханов. – Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2002. – Б. 89.
39. Бахрамов Х.Х. Ички ишлар идоралари томонидан маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш асослари ва тартиби: Ўқув қўлланма. – Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2014. – Б. 33.
40. URL: <http://www.lex.uz>.
41. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси// URL: <http://www.lex.uz>.
42. Ўзбекистон Республикаси Мъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси// // URL: <http://www.lex.uz>.
43. Норбутаев Э. Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг айрим масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 69-77.
44. Охунов З., Қушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
45. Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 78.